

Набий алайҳиссаломга бўлган муҳаббат



11:00 / 06.05.2023 1709

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам биз учун жонимиздан, молимиздан, ота-онамиздан, барча оила аъзоларимиздан, жамики инсонлардан азизроқ ва маҳбуброқдирлар.

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ Мадинада яшаб, Мадинада вафот этганлар. У ердан бошқа шаҳарга чиқмаганлар. Сабабини сўралганда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётган шаҳарни ташлаб кетишни ёқтирмайман» деган эканлар.

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ ҳадис ўқиётиб, сесканган эканлар. Ҳадисни ўқиб бўлганларида, шогирдлари ўша сесканишларининг сабабини сўрашганда, чаён чақиб олгани учун шундай бўлганини айтган эканлар. Шогирдлари хайрон бўлиб: «Нега ҳадисни тўхтатмадингиз?» дейишганда, улуғ имом: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини бўлгим келмади!», деб жавоб берган эканлар.

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ Мадина кўчаларида умуман уловга минмаган эканлар. Сабабини сўрашганда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётган тупроқни уловнинг туёқлари билан босгани Аллоҳ таолодан ҳаё қиламан!» деб жавоб берган эканлар.

Имом Молик раҳимахуллоҳ Мадина кўчаларида юрганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одоб ва ҳурмат юзасидан ҳеч қачон ерни тепиб, силтаб қадам босиб юрмаган эканлар.

Баъзи ошиқлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари, қабрлари устидаги гумбаз яшил рангда бўлгани учун яшил рангдаги поябзал кийишни ўзларига эп кўрмаган эканлар!

Баъзи аҳли илмлар тажриба қилиб кўришларича, бир жойда кўп ўтирганларида оёқлари увишиб, жимирлаб қолса, дарҳол севикли Пайғамбаримизнинг муборак исмларини зикр қилсалар, ўша увишиш ва жимирлаш кетган экан.

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қанчалик севамик? У зоти бобаракотга бўлган муҳаббатимиз боламизга ёки мол-дунёга бўлган муҳаббатимиздан кўпроқми ёки камми? Агар кам бўлса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини кўпроқ ўрганайлик, муҳаббатимизни оширайлик!

Афсуски, ижтимоий тармоқларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан истехзоли, ҳақоратли гапирувчилар учраб турибди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни истехзо қилувчи ана шундай кимсалар кўзларини каттароқ очиб, ўзларини ўнглашлари учун бир оятни келтирсак:

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деган:

نِئْتُهُمْ لَمَّا كَانُوا فِي فَاكٍ أَنْ

«Албатта, Биз сенга истехзо қилувчилардан кифоя қилурмиз» (Ҳижр сураси, 95-оят).

Икки олам сарвари, маҳбубимиз, охиратда шафоатчимиз бўлган зотга Аллоҳ таолонинг саломи, саловоти ва баракоти бўлсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади